

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги директори



У.Юсупов

2022 йил 13 январь

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва тизимидаги
ташкilotларнинг коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ**

№	Ташкilot номи	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)
1.	"Ўзархив" агентлиги	Вазирлик ва идораларда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назоратини ўтказиш жараёнини автоматлаштириш.	1. Давлат назоратини ўтказиш бўйича ахборот тизимини яратиш. 2. Давлат назоратини ўтказиш бўйича саволномага мувофиқ вазирлик ва идоралардан маълумотлар тўплаш. 3. Тўпланган маълумотларга қўра, онлайн текширишларни ўтказиш.	2023 йил IV чорак	Ахборот технологиялари бўлими, Коррупцияга қарши курашиш ички назорат сектори
2.	Ҳудудий архив иши бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивлари	Ходимларни ишга қабул қилиш бўйича мезонларни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш.	1. Меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳани ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва амалиётга	2022 йил IV чорак	Ҳудудий архив иши бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивлари

№	Ташкилот номи	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)
			жорий қилиш. 3. Агентликнинг ички меҳнат тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.		
3.	“Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар	Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ўз ходимларига уларнинг сўровига кўра, ойлик маошлари тўғрисида ҳисобдор бўлиш.	Ҳар ой якуни бўйича, ойлик маошлар тўғрисидаги маълумотни ҳар бир ходимга уларнинг сўровига кўра ўз иш ҳақлари бўйича тушунтириш бериш.	2022 йилдан бошлаб	“Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар
4.	"Ўзархив" агентлиги	Давлат мулкида бўлган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи нусхаларини, шунингдек МАФнинг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи нусхаларини вақтинча олиб чиқишга рухсатномаларни беришни license.gov.uz тизимида ўтказиш.	1. Рухсатномаларни бериш бўйича паспорт лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Паспорт лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Рухсатномаларни беришни license.gov.uz тизимида жорий қилиш.	2022 йил IV чорак	Коррупцияга қарши курашиш ички назорат сектори
5.	"Ўзархив" агентлиги	Архивлар мутахассисларини Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини автоматлаштириш.	1. Аттестациядан ўтказиш жараёнини автоматлаштириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш. 2. Аттестациядан ўтиш, муваффақиятли ўтган шахсларга электрон компетентлик гувоҳнома беришни назарда тутувчи тизим жорий қилиш.	2022 йил IV чорак	Ахборот технологиялари бўлими, Коррупцияга қарши курашиш ички назорат сектори